ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ШАХСИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ МЕРОСИ

(Заҳириддин Муҳаммад Бобур тааллудининг 540 йиллигига бағишланади)



Раҳмонали Ҳасанов
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти,
Халқаро Турон ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Турон ФА академиги ва вице-президенти,
Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари Тарихи институти Тошкент шаҳри филиали директори, профессор
(Тошкент, Ўзбекистан)

Аннотация: Мазкур мақолада,Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар сулоласига доир моддий ва маънавий бойликлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-ижодий меросини, давлатчилик ва саркардалик фаолиятини кенг ўрганиш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар жаҳон музейларида сақланаётган Бобурийлар сулоласига оид ассори атиқалар,нодир қўл ёзмалар, қадимий китоблар, санъат асарлари ва бошқалар хусусида жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, республикамиз ҳамда хорижлик олимларимиз томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг қиёсий таҳлили баён этилган.

Калит сўзлар: З.М.Бобур**,** Бобурийлар сулоласи, , Деҳли, Покистон Агра, Қобул, “Бобурнома” , “Девони Бобур”, “Бобурия”, “Воқеанома”, “Тузуки Бобурий”, “Табақоти Бобурий”, “Таворихи Бобурий”.

Аннотация: В данной статье рассмотрены материальные и духовные богатства Захириддина Мухаммада Бабура и династии Бабури, научное и творческое наследие Захириддина Мухаммада Бабура, проведенные исследования по широкому изучению государственной и военной деятельности династии Бабуридов, редкие рукописи, антиквариат, исторические рукописи и старинные книги, которые хранятся в музеях мира, произведении искусства, признание мировой общественностью, исследования, проведенные нашими республиканскими и зарубежными учеными и их сравнительный анализ.

Ключевые слова: З. М. Бабур, династия Бабура, Дели, Пакистан, Агра, Кабул, «Бабурнаме», «Девони Бабур», “Бабурия”, “Воқеанома”, “Тузуки Бабурий”, “Табақоти Бабурий”, “Таворихи Бабурий”.

Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-миллий қиёфасинибелгиловчи улуғ аждодлари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоирлари бўлади. Улар тенгсиз меҳнатсеварлик ва фидойилик билан улуғ давлат барпо этганлар, ўлмас асарлар ёзиб қолдирганлар. Баркамол авлод тарбияси, илм-маърифат учун тинмай изланганлар, шу боис, улуғ аждодларимизнинг ҳаётий тажрибаси ҳамда ижодий меросини ўрганиш, уларнинг ибратли жиҳатларини ўзлаштириш олдимизда турган долзарб вазифалардандир.

Бобуршунос олимлар томонидан олиб борилган бир қатор тадқиқотлар Ҳозирги вақтда юртимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз — алломаларимизнинг илмий-маънавий меросини илмий асосда изчил ўрганиш ҳар вақтдагидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Чунки бу алломаларнинг ибратларга тўла ҳаёт йўлларию қолдирган беназир асарлари нафақат ўз юрти ва замонаси, балки бутун инсоният тараққиётига ижобий таъсир этувчи интеллектуал мерос ҳисобланиши шубҳасиз. Шундай инсонлар борки,ўзининг илм-фан , санъат ва маданият тараққиётга қўшган буюк хизматлари учун даҳога айланади, эл-юрт ҳамиша уни эъзозлайди, неча асрлар ўтсада халқ қалбида абадий яшайди. Ана шундай буюк инсонлардан бири,. жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган Бобурийлар сулоласининг асосчиси – Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Бугун, орадан деярли 540 йил ўтсада, бетакрор сиймолардан бири деб, жаҳон илми-аҳли орасида тан олинган Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида бутун дунёда маълум ва машҳурдир. Унинг беқиёс илмий-ижодий мероси нафақат миллий маданиятимиз ва халқимиз адабий-эстетик тафаккурининг шаклланишида, балки жаҳон адабиёти, илм-фани ва давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эга.

Р.Ҳасанов-Турон ФА академиги



Бобур портрети, 1605—1615 йиллар. Ушбу сурат Лондондаги Британия музейида сақланмоқда

Жонажон Ватанимиз миллий ривожланишнинг янги босқичига – Учинчи Ренессанс даврига қадам қўяётган ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Бобур Мирзонинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар сулоласига доир моддий ва маънавий бойликлар ҳусусида сўз юритар эканмиз энг аввало Заҳириддин


Муҳаммад Бобур қаламига мансуб бўлган илмий-ижодий меросига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Қадимий Мовароунаҳр ва ундаги ҳалқлар ҳаёти ҳақида жонли гувоҳлик берувчи асарлар орасида “Бобурнома” алоҳида ажралиб туради. Лирик шоир, ўзбек классик адабиётинингНавоийдан кейинги вакили З.М. Бобур томонидан яратилган бу асар ижтимоий, тариҳий, илмий-табиий ва адабий лингвистик маълумотлар ҳазинасидир. Унда 1494 йилдан 1530 йилгача Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда кечган воқеалар баён этилган [2].

“Бобурнома” ҳам тарихий манба, ҳам географик муҳим қўлланмадир. Китобда Фарғона водийси тасвири келтирилган. Бобурнинг тасвирига кўра Фарғона водийси шарқда Қошғар, Ғарбда Самарқанд, жанубда Бадахшон тоғлари ва шимолда Олмалиқ ва Олмаота шаҳарлари ва ўлкалари чегаралари билан қуршалган эди. Қўқон хонлиги ташкил топмасдан аввал Фарғона водийсида машҳур ва Туркистон тарихида, хусусан, маданият тарихида катта роль ўйнаган Андижон, Асхикент, Косон, Ўзганд, Марғинон (Марғилон), Исфара, Воруҳ, Конибодом, Хўжанд ва Ўш каби шаҳарлар ҳам бор эди [3.]

Даврнинг жуда кўп хусусиятларини қамраб олиши, қомусий характери ва ўзбек адабий тилининг беқиёс бой имкониятларини намойиш этиши билан “Бобурнома” Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сига қиёс қилгудек маданий обида ҳисобланади.

Асарнинг тез орада шуҳрат қозониб XVI асрнинг ўзидаёқ бир неча марта форс тилига таржима этилиши ҳам фикримиз исботидир. Ғарб олимлари “Бобурнома” билан дастлаб форсий нусхалари билан танишадилар. Бу китоб мазмунининг ранг-баранглиги, улкан материални ўз ичига олганли ва услубининг гўзаллиги билан XVIII, айниқса, XIX аср шарқшунос олимларининг диққатини ўзига тортган, унинг турли қўлёзмалари излана бошланган ва Ғарб тилларига таржима қилишга киришилган эди.



Машҳур “Бобурнома” 4 марта форсийда, 6 марта инглизчада, қисқартирилган инглизча, олмон нашрлари, 4 марта немисчада, фаранг ва турк тилларида, 4 марта рус тилида (ҳаттоки Покистонда Синд лаҳжасида ҳам) 1 марта ҳолланд, итальян, ҳинд, испан, қозоқ, араб, польяк, ва уйғур тилларида чоп қилинди.

Шуни қайд этиш жозки,Темурийлар тарихи ҳақида батафсил сўйлайдиган йирик манба., бу – “Бобурнома”дир.У жаҳон адабиёти ва манбашунослигида муҳим ва ноёб ёдгорлик ҳисобланади.Эски ўзбек (чиғатой) тилида ёзилган

мазкур асарнинг “Бобурия”, “Воқеанома”, “Тузуки Бобурий”, “Табақоти Бобурий”, “Таворихи Бобурий” каби кўплаб номлари ҳам маълум[4].

Бу гўзал асарда, Ж. Неру таъбири билан айтганда, дилбар шахс бўлган Бобурнинг жуда кўп фазилатлари билан бир қаторда, ахлоқий ва эстетик қарашлари ҳам ёрқин бир тарзда ифодасини топган. У табиат ва жамият нафосатини, воқеалик нафосатини, шахс, урф-одатлар ва маросимлар, меъморчилик, боғ, адабиёт ва санъат, хуллас жами нафосатни чуқур ҳис қилади ва теран таҳлил этади. Муаллиф асар давомида баркамол, яъни ахлоқий ва эстетик мукаммал инсон сифатида жонланади. «Бобурнома» олам бўйлаб саёҳат қилар экан, Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари эстетик тафаккури уйғунлашган. Янги сифат ўзгаришлари касб этган ҳолатларни кузатиш мароқлидир..

Асарнинг ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари Ўзбекистон фанлар Академияси шарқшунослик институтида сақланади. Кўплаб дунёвий, жумладан, форс, инглиз, рус, турк, голланд, француз тилларига таржима қилинган. Хусусан, асар форс тилига Бобурнинг набираси, йирик ҳукмдор Акбаршоҳ амри билан таржима қилинади, унга энг маҳоратли ҳинд рассомлари томонидан миниатюралар чизилган. Ҳозирги вақтга қадар “Бобурнома” 25 дан ортиқ тилларга таржима қилинган.

Асар воқеалари 12 ёшлик кичкина Бобурнинг ҳукмдор бўлганидан бошланади. Асар биринчи шахсдан сўзланган бўлиб, унда Бобур ҳаётида кўрган-кечирганларидан ташқари, жанглари, юришлари, қадами етган шаҳарлар ва масканлари ҳақида қизиқарли маълумотларни қолдиради.

«Бобурнома»ни варақларканмиз, кўз олдимиздан Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган фазилат ва нуқсонлар, уларнинг тафаккур оламини кенглиги ва мураккаблиги билан бирга, ўша даврдаги ҳаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг тўлиқ манзараси намоён бўлади. «Бобурнома»да келтирилган бу тарздаги маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошқа тарихий манбалар: Мирхонд, Хондамир, Муҳаммад Солиҳ, Биноий, Муҳаммад Ҳайдар, Фаришта, Абул-Фазл Алломий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукаммал ёритилган эмас. Муаллиф «Бобурнома»да Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Беҳзод, Мирзо Улуғбек ва бошқа алломалар ҳақида ўзининг энг юқори фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

«Бобурнома» — Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири — XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эггирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари,

урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари — ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асардир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмокда.[6]

Айтиш мумкинки, “Бобурнома” ҳар томонлама ажиб асар. ***Биринчидан,*** у автобиографик-Бобур ҳаёти, замондошлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. ***Иккинчидан,*** асар ўша давр географияси, маданиятшунослиги, санъати, ҳаттоки, ўсимликлар олами ҳақида ҳам маълумотларга бой. Қизиқ жиҳати шундаки, асарда 1508 йилдан 1519 йилгача бўлган бирор воқеа кузатилмайди. Бу балки муаллифнинг хоҳиши ёки қўлёзманинг турли сабабларда йўқолган бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу асар Бобурнинг ҳар томонлама етук, зийрак, зукко шахс бўлганидан далолат беради. Айниқса, асардаги ҳикматлар қадрлидир. Унда шарқона донишманлик акс этган. Масалан***: “...ҳар кимдин яхши қоида қолғон бўлса, анинг билан амал қилмоқ керак”, “агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш билан бадал қилмоқ керак”*** каби насиҳатлар ҳам учрайди.[9]

Бобурнинг ўз гувоҳлигига кўра, шоир сифатида ижодий фаолияти Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтда бошланган; «Ул фурсатларда бирор-иккирар байт айтур эдим», деб ёзади у. Бобур Самарқанддалигининг илк ойларида Алишер Навоий ташаббуси билан улар ўртасида ёзишма бошланади. Бобур атрофида ижодкорлар тўплана бошлаши ҳам шу йилларга тўғри келади. Жумладан, Биноий, Абулбарака ва Бобур ўртасидаги рубоий мушоираси Самарқанддаги қизғин адабий ҳаётдан дарак беради. Умуман, давлат арбоби ва кўп вақти жангу жадалларда ўтган саркарда сифатида ижтимоий фаолиятининг энг қизғин даврида ҳам, шахсий ҳаёти ва давлати ниҳоятда мураккаб ва хатарли шароитда қолган чоғларида ҳам Бобур ижодий ишга вақт топа билган, илм, санъат ва ижод аҳлини ўз атрофига тўплаб, ҳомийлик қилган, уларни рағбатлантирган.

Бобур ўзбек тарихида том маънода йирик шахс. Унинг тарихчи олим, зукко адиб ва дилбар шоир сифатида қолдирган адабий мероси бебаҳодир. Бобур ҳукмдорлик мажбуриятларидан ортиб йирик асарлар ёзишга муваффақ бўлган. Унинг лирикаси адабиётдаги ўзига хос лирика. Шубҳасиз, шеъриятининг асосий мавзуи Ватан, Ватан соғинчи бўлган. Тахт учун қондош ака-укаларнинг душман бўлиб курашиши, атрофдаги инсонларнинг хиёнати, ватанини бирлаштиролмаганидан сўнг тортган азоблари ва ниҳоят умрининг сўнггигача Ватан соғинчи унинг шеъриятига кўчган десак муболаға бўлмайди. Бу мавзулар Бобур ғазаллари, рубоийларида кенг ёритилган.

Шу билан биргаликда Бобур лирикасида юксак ва олийжаноб инсоний туйғулар, адолатпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини мадҳ этган. Халқда унинг:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.
Яхши киши кўрмағай ёмонлиғ ҳаргиз
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

рубоийси машҳур. Бобур шеъриятини асосан ишқий мавзудаги асарлар ташкил этади. Ишқий ғазалларда Бобур ҳазрат Навоийдан илҳомланган бўлса ажаб эмас. Бобур шеъриятида ахлоқ ва диний мукаммаллик масалалари ҳам кўтарилган. Лирикасининг ўзига хослиги шундаки, у асарларини ниҳоятда содда, самимий, ҳаммага тушунарли бўлган тилда ёзишга ҳаракат қилган. Ғазал ва рубоийларида баландпарвоз сўзлар, мукаммал ибораларни қўлламаган. Хусусан, бу ҳақида у ўз “Бобурнома” асарида ҳам тўхталиб ўтган: “Равшан ва тоза шаплар ёрдамида да баён этилишича Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб бўлган кўплаб асарлар , китоб қўлёзмалари мавжуддир. Жумладан: 1521 йил “Мубаййин” номли фалсафий-диний асар ёзилган бўлиб, унда ислом шариатининг 5 устуни баён этилган, шунингдек, ўша йил у “Мубаййину-л-закот” солиқ чиқими китобини ҳам ёзган. Унинг “Ҳарб иши”, “Мусиқа илми” каби илмий асарлари ҳануз топилмаган.[11] Бобур араб графикаси асосида “Хатти Бобурий”ни тузган, у туркий фонетикага доир. Ушбу хат асосида Қуръон ҳамда Бобурнинг шахсий асарлари қайта ёзилган.

З.М.Бобур, бадиий таржималар билан ҳам шуғулланиб, Баҳовуддин Нақшбандийнинг давомчиси, йирик сўфи Хожи Аҳрор Валининг “Волидия” (Ота-оналар рисоласи) диний-фалсафий асарини шеърий кўринишда таржима қилган.

Бобур ижодини ўрганиш бўйича Халқаро илмий экспедиция аъзолари бир неча бор шоир “изи” бўйлаб илмий саёҳатлар ташкил этишган, улар томонидан 500 дан зиёд китоб ва ҳужжатлар топилган бўлиб, “Бобур ва унинг замонавий дунёдаги ўрни” мемориал музейида сақланади. Андижонда Бобур парки бўлиб, у ерда шоирнинг рамзий қабри ҳамда “Арк ичи” мемориал мажмуаси жойлашган.

Бобур жамоат ва тарихни юзаки кузатувчиси бўлмаган, у воқеа ва ҳодисаларни, ўзини ҳавотирга солган ўй ва ҳис-туйғуларни таҳлил қилишга интилган. Бу фикрлар ва ҳиссиётлар яхшилик ва адолат, ҳақиқат ва гўзаллик тамойилларига хизмат қилиш учун йўналтирилган эди.

Ўтмиш адабиёт ва тарих, мусиқа ва санъатдан яхши хабардор бўлган, диний таълимотга чин ихлос қўйган Бобур ҳар доим олиму фозиллар даврасида бўлди, хусусан ижод аҳлига, касбу ҳунар соҳибларига самимий эҳтиром кўргазиб ҳомийлик қилди, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб турди. Ижод ва

санъат аҳлига бундай меҳрли муносабат асло бежиз бўлмаган. Бобур табиатан ижодкор эди. Йигитлик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача самарали ижодий иш билан шуғулланди, ҳар қандай шароит ва вазиятларда ҳам ижоддан тўхтамади, натижада, ҳар жиҳатдан муҳим бой илмий ва адабий мерос қолдирди.

Буюк аждодимиз асарларининг миллий ва умуминсоний моҳиятини, унинг ёш авлодимиз интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, фарзандларимизни шу асосда Янги Ўзбекистон бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, Бобур Мирзонинг илмий ва ижодий меросини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда янада чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев имзолаган ***“Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида“ 2023 йил 25 январдаги ПҚ-20-сонли Қарори***.[1].Буюк мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини унинг маънавий-маърифий меросини ўрганиш учун дастури амалдир.

Юртбошимиз мазкур қарорда таъкидлаганидек, Буюк аждодимиз асарларининг миллий ва умуминсоний моҳиятини, унинг ёш авлодимиз интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, фарзандларимизни шу асосда Янги Ўзбекистон бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, Бобур Мирзонинг илмий ва ижодий меросини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда янада чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш ҳозирги куннинг энг долзарб масададаридан биридир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки,Покистонлик олимлар Темурийлар даври маданиятига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Улар нафақат халқларимиз ўртасида бўлган маданий алоқалар тарихи, балки ўша даврдаги маданий ҳаёт, йирик шоирлар, жаҳон маданияти саҳифаларида ўчмас из қолдирган буюк ижодкорларнинг меросига бағишланган тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Фикримизнинг далили сифатида Покистонлик ва Ҳиндистонлик олимларнинг Заҳириддин Бобур ва умуман, бобурийлар даври, уларнинг илмий, адабий мероси, хусусан, “Бобурнома” бўйича олиб бораётган изланишлари таҳсинга сазовор эканлигини қайд этишимиз мумкин.

“Бобурнома” асари бобурийлар авлодидан бўлмиш Мирзо Насириддин Ҳайдар Кўрагоний томонидан илк бор урду тилига таржима қилинган. У аввал 1924 йили Деҳлида, 1962 йили эса Карачи шаҳрида “Бук лэнд” нашриётида чоп этилган. Нашрга “Бобурнома” асосий ном сифатида, “Тузуки Бобурий” эса иккинчи ном ўрнида келтирилган. Китобнинг бошида алоҳида-алоҳида саҳифаларда Бобур Мирзо ва унинг рафиқаси Моҳим Бегимнинг рангли сурати берилган.

“Сўзбоши” муаллифи Убайдулла Қуддусий таржимага жуда юқори баҳо беради: “…таржима ниҳоятда равон ва биронта сўз ҳам тушиб қолмаган…” Таржимада бир қатор изоҳлар бор, имло масаласига анча аҳамият берилган.

Урду тилида “Бобурнома”нинг яна бир таржимаси мавжуд. У Рашид Ахтар Надвий қаламига мансуб бўлиб, 1991 йили Лаҳўр шаҳридаги “Санг-е-мил” нашриётида чиққан. Асар Бомбайда Мирзо Муҳаммад Шерозийнинг “Читра Прабҳа Пресс”да чоп этилган тўлиқ бўлмаган форсча нусхадан таржима қилинган.

“Сўзбоши”да мутаржим “…ўз буюклиги ва улуғлиги биносини ўзи бунёд қилган, буюклик ва шон-шуҳрат йўлидаги темир тиканларни ўз қўли билан терган” Заҳириддин Бобур шахсиятига илиқ муносабат билдирган. Жалолиддин Акбаршоҳ (1542-1605) даврида “Бобурнома” Байрам Хоннинг ўғли Абдураҳим Хони хонон томонидан туркийдан форсийга таржима қилингани ҳақида ёзиб, Р.А.Надвий бундай дейди: “…шундан кейин аҳли жаҳон биринчи марта буюк тождор (яъни Бобур Мирзо — А.И.)нинг сухан мулкининг ҳам шаҳаншоҳи эканлигидан хабар топти”.

Мазкур таржима тили асосан равон ва ўқишли. Жузъий камчиликлардан қатъи назар, “Бобурнома”нинг иккала таржимаси ҳам аҳамиятга эга. Уларга таниқли бобуршунос Сабоҳат Азимжонова юқори баҳо берган.

Мирзо Насириддин Ҳайдарнинг таржимаси аввало, биринчи тўлиқ таржима сифатида, қолаверса, бобурийлар авлодининг вакили қаламига мансублиги билан аҳамиятлидир. Иккала таржима ҳам Бобур Мирзо ва унинг шоҳ асарини урдузабон халқлар орасида оммалаштиришда хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи, унинг асосида суратга олинган видеофильм Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодини оммалаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур асар бир қанча чет тилларга ўгирилган, жумладан, урду тилига ҳам таржима қилиниб, бир неча марта чоп этилган.

Роман 1986 йили Тошкентда ҳиндистонлик Манзар Салим таржимасида урду тилида нашр қилинган эди. Асар Ҳиндистон, Покистон китобхонларига жуда манзур бўлди. Ўша пайтда нашриётга, Ўзбекистон радиосига келган кўплаб мактублар шундан далолат беради.

Роман бир неча йил бурун Лаҳўр шаҳрида чоп этилган эди. Яқинда Карачидаги “Рактааб Пабликейшнз” нашриёти уни нашр этди. Муқова “Бобурнома”га ишланган миниатюра билан безатилган бўлиб, унда “Доктор Пиримқул Қодиров. Заҳириддин Бобур” деб ёзилган. Нашрга покистонлик машҳур адиб Шавкат Сиддиқий сўзбоши ёзган.

Ҳиндистон, Покистонда чиққан китобларда Заҳириддин Бобур асосан саркарда, фотиҳ, салтанат асосчиси сифатида таърифланади. Ш.Сиддиқий тан

олиб ёзадики, П.Қодиров бу романда Бобур Мирзо ҳақидаги таассуротни тўлдиради. Адиб ўз асарида Бобур улуғ фотиҳ ва ҳукмдоргина эмас, у дониш-ҳикматдан завқланувчи, шеъру адаб шайдоси, илму фазл мухлиси ҳам эканлигини кўрсатиб берган.

Покистонлик мутахассислар Бобурийлар асарларини таржима қилиш, чоп этиш билан чекланиб қолмасдан, Бобурийлар даври ва бой мероси бўйича кенг тадқиқот ишларини ҳам олиб бормоқдалар. Жамил Юсуфнинг “Бобурдан Зафаргача” [12] деб номланган урду тилидаги асари бунга мисол бўла олади. Асарда Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб ва сўнгги бобурийлар фаолияти алоҳида-алоҳида бобларда ёритилган. Китобнинг биринчи нашри чиққанда Покистон матбуоти, адибу давлат арбоблари унга юқори баҳо берган эдилар. Карачида чиқадиган “Доон” газетаси, жумладан, бундай деб ёзган эди: “Бобурдан Зафаргача” бобурийлар даврининг тўлиқ ва батафсил тарихидир. Унинг баён қилиш услуби шу қадар бадиий ҳамда жозибалики, уни тарихга оид китоб деб эмас, бадиий асар деб ҳисоблаш керак”.

Йирик туркшунос Муҳаммад Собирнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” мақоласида[13]Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги тарихий, маданий, адабий ҳамда лисоний алоқалар батафсил ёритилган. Тадқиқотнинг илова қисмида 16-аср ўзбек адабиёти ва замонавий ўзбек адабиётининг намуналари Бобур Мирзо ва Уйғун рубоийлари орқали солиштирилади. Бундай қиёслашдан мақсад — урду тилидаги сўзлар билан турли тарихий даврдаги ўзбек тили лексикаси ўртасидаги яқинликни кўрсатишдан иборатдир.

М.Собирнинг “Бобур тилидаги урдуча сўзлар имлоси” (Карачи университети, август, 1966, 2-жилд, 2-сон) номли асарига алоҳида тўхталиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ушбу асарда асосан “Бобурнома”даги урдуча сўзлар ўрганилган ва 114 та сўз жадвал шаклида туркча сўзлар билан солиштирилган. Профессор Озод Шоматов бу жиҳатни асарнинг камчилиги деб ҳисоблайди ҳамда урдуча сўзларни туркча билан эмас, балки ўзбекча сўзлар билан қиёслаш тўғрироқ бўларди, деб ёзади. О.Шоматовнинг фикрича, М.Собир бой тарихий-филологик материаллар асосида муҳим илмий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлган.

Шу ўринда бир фактни қайд этиш ўринлидир — “Бобурнома” эски ўзбек тили бўйича ниҳоятда қимматли филологик манба вазифасини ўташи яхши маълум. Лекин Бобур Мирзонинг шоҳ асарини ўрганиш орқали 16-асрда Шимолий Ҳиндистонда муомалада бўлган бир қатор тилларнинг лексик аломатлари ҳақида ҳам муҳим маълумотларга эга бўлиш имкони бор. Гап шундаки, ўша даврда маълум тарихий шарт-шароитлар тақозоси билан адабий марказ Шимолий Ҳиндистондан Даканнинг шимолий қисмида жойлашган бир

қатор мусулмон давлатларга кўчган эди. Шу сабабли Бобур Мирзо яшаган даврда Шимолий Ҳиндистондаги тилларда битилган ёзма манбалар бўлмаган.

Покистонда бобуршунослик хусусида сўз кетганда, Карачи университети қошида ташкил этилган “Марказий ва Ғарбий Осиё тадқиқотлари институти”нинг фаолияти ҳамда унинг айрим нашрларига тўхтамасликнинг иложи йўқ. Шундай нашрлардан бири “Ҳинд — Эрон алоқаларига доир ҳужжатлар хронологияси” (1979 й.) деб аталади ва 2 жилддан иборат. Уни доктор Риёз ул-Ислом нашрга тайёрлаган. Биринчи жилд Бобурдан Аврангзебгача бўлган даврдаги бобурийлар салтанати билан Эрон ўртасидаги муносабатларни акс эттирадиган 276 та мактубни ўз ичига олади. Иккинчи жилд (1982 й.) эса бобурийларнинг сўнгги намоёндалари билан сўнгги Сафавийлар ва Нодиршоҳ билан ёзишмаларидан иборат бўлиб, бу хатларнинг сони 224тадир[7]. Мазкур улкан нашрнинг бобурийлар салтанати тарихини ёритишда нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан аён бўлиб турипти.

“Марказ”нинг нашрларидан яна инглиз тилидаги “Байрам Хон” ва урду тилида чоп этилган “Хон хононнома” асарларини қайд этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Маълумки, Хони хонон (яъни “Хонлар хони”) бобурийлар салтанатидаги юксак ҳарбий унвон ҳисобланган ва Бобуршоҳ Диловар Хонга шу унвонни берган. Инглиз тилида нашр этилган “Ислом энциклопедияси”да қайд этилишича, Ҳумоюн Мирзо — Байрам Хонни, Акбаршоҳ — Мунъим Хонни ва Абдураҳим Хонни, Жаҳонгиршоҳ — Маҳобат Хонни ҳамда Аврангзеб Мир Жумлани мана шу олий унвон билан тақдирлаган.

Байрам Хон (1504-1561) учта бобурий ҳукмдор — Бобур Мирзо, Ҳумоюн Мирзо ва Акбаршоҳ ҳокимиятида юксак мартабали давлат арбоби бўлган. Унинг ўғли Абдураҳим Хон (1556-1627) эса Ҳумоюншоҳ, Акбаршоҳ ва Жаҳонгиршоҳ хизматида бўлган. У аввал “Мирзахон” унвонига, 1584 йилда юксак “Хони хонон” унвонига сазовор бўлган. Абдураҳим Хон давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда ўз даврининг таниқли олими, шоири ва таржимони бўлган. У араб, форс, туркий ва браж тилларида шеър ёзган. “Бобурнома”нинг форсчага қилинган мукаммал таржимаси унинг қаламига мансубдир.

Ўзбек халқининг атоқли фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг қисқа ҳаёти давомида катта адабий ва илмий мерос қолдирди. Унинг мусиқа ва ҳарбий ишга доир рисолаларидан бошқа ҳамма асарлари бизгача етиб келган. Булар орасида адибнинг шоҳ асари «Бобурнома» алоҳида аҳамият касб этади.

«Бобурнома» ўзбек классик адабиётидаги насрий асарларнинг етук намунаси, XV—XVI аср адабий тилининг нодир ёдгорлигидир. «Бобурнома» Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари тарихи бўйича қимматбаҳо маълумотлар манбаи сифатида салкам бешярим асрдан буён тарихчилар, шарқшунослар, этнографлар, иқтисодчилар, тилшунос, адабиётшунослар ва

умуман илммаърифат аҳлларини баҳраманд қилиб келмоқда. Шу боисдан асар XVI асрдан бошлаб форс, голланд, француз, инглиз, немис, рус, ҳинд, урду,усмонли турк тилларига таржима қилинган.

Бобурнинг набираси Акбаршоҳ топшириғи билан «Бобурнома» XVI асрда Ҳиндистонда уч маротаба форс тилига ағдарилди. Дастлабки икки таржима Акбарни қаноатлантирмагач, унинг топшириғи билан Бобур лашкарбоши, шоир Байрамхоннинг ўғли, шоҳнинг яқин дўсти Абдураҳимхон 1589 йили учинчи ва энг муваффақиятли таржимани амалга оширади. Асарнинг асли ўзбек тилидаги нусхасининг қадимий қўлёзмаси бизгача етиб келмаган, бизга ҳозирда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Салоржанг музейида сақланаётган, XVI асрда кўчирилган қўлёзмасигина маълум холос[17].

«Бобурнома»нинг форсий таржимаси қўлёзмаларидан мўъжаз расмлар билан безатилган уч нусхаси бизгача етиб келган. Уларнинг бири Лондондаги Британия музейида сақланади, афсуски, унда кўчириш тарихи кўрсатилмаган. Аммо, қоғоз, хат услуби, айниқса мўъжаз расмлар услубига биноан уни XVI асрнинг охирги чорагига тааллуқли деб ҳисоблаймиз. Ушбу қўлёзмада (инвентар рақами 3714, 528 варақ) Ўрта Осиё, Хуросон ва Ҳиндистон рассомларининг мўйқаламига мансуб бўлган 96 та ажойиб мўъжаз расмлар бор. Буюк Акбар кутубхонаси учун тайёрланган ушбу китобни инглизлар Ҳиндистондан, Бобурийлар саройи кутубхонасидан олиб кетганлар.

Иккинчи қўлёзма Янги Деҳлидаги Миллий музейда (инвентар рақами 50336, 378 варақ) сақланмоқда. Бу қўлёзма 1598 йили китобат этилган бўлиб, 183 та мўъжаз расм билан безатилган. Хати гўзал, йирик настаълиқ, лекин хаттот номи кўрсатилмаган. Бу қўлёзма учун ишланган миниатюралар мусаввирлари Лондон қўлёзмасидагиларнинг айнан ўзлари, мавзу жиҳатидан ҳам икки қўлёзма расмлари бир-бирига яқин.

«Бобурнома»нинг яна бир нусхаси Ҳиндистоннинг Алвар шаҳридаги Давлат музейида (инвентар рақами 2) сақланаётганини домла Ҳамид Сулаймон аниқладилар. Бу қўлёзмалар Алвар маҳаражаси Жей Санг мулки бўлиб, мамлакат мустақилликка эришгач, жаноб Жей Санг саройи, кутубхона ва нодир санъат буюмларини давлатга топширган ва шу мулк асосида Алвар Давлат музейи ташкил этилган эди. Алвар «Бобурнома»си ҳам форс тилида бўлиб, 457 варақдан иборат, хаттоти Али ал-Котиб. Қўлёзма яхши сақланган.[7]

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак,умуман, Бобур шоир, олим, давлат арбоби, буюк саркарда, моҳир сиёсатчи сифатида ўзини ва киндик қони тўкилган Андижонни бутун жаҳонга танитди. Айниқса, дунёнинг энг йирик давлатларидан бири Ҳиндистон ривожида унинг ва бобурийлар сулоласининг роли ниҳоятда катта бўлди. Шу боис ҳам, нафақат Осиё, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида Бобур ҳаёти ва илмий-

ижодий меросини ўрганишга қизиқиш жуда юқори. Буни биз “Бобур изидан” илмий экспедицияси томонидан олиб борилган изланишлар, тадқиқотлар натижасида ўнлаб хорижий давлатлардан Бобур ва борбурийлар ҳаёти, фаолияти, ижоди билан боғлиқ юртимиз олиб келинган маълумотлар, ҳужжатлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, юртимизда қатор зиёлилар, ёзувчилар, олимлар томонидан улуғ бобомизнинг ҳаёти, фаолияти ва ижодий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш борасидаги ишлар, изланишлар сира тўхтагани йўқ. Хусусан, республикамизў олимлари томонидан ҳам Заҳриддин Муҳаммад Бобур тўғрисидаги ҳақиқатларни, аввало, халқимизга, бутун дунёга ёйиш, таништириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тарихимизни, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва уларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ёшларни буюк аждодлар қолдирган мерос ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиляпти.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари томонидан қолдирилган бебаҳо илмий ва маънавий-маданий мерос эса буюк бобокалонларимиз билан фахрланиш, юртни, Ватанни севиш туйғуларини янада жўш урдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.” Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПҚ-20-сон қарори.

2.Babur-Nama. By Eiji Mano, Kyoto, 1996, p XIX.

3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. Б. 154.

4. Бобур ва Бобурийлар мероси – фахр-ифтихор манбаи https://xs.uz/uzkr/post/bobur-va-boburijlar-merosi-fakhr-iftikhor-manbai

5.Машрабов,Зокиржон Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси. “Ҳуррият” https://hurriyat.uz.meros va ixlos.

6. Хўжақулов Жобир “Дунё” АА. Халқ сўзи. Бобур ва Бобурийлар мероси фахр ва ифтихор манбаи. 13-февраль 2020

7.Фозила Сулаймонова. https://ziyouz.uz/matbuot/qayta-qurish-davri-matbuoti/fozila-sulaymonova-boburnoma-ga-ishlangan-rasmlar-1990/

8. Шаҳло НУР Бобурийлар мероси – миллатнинг маънавий хазинаси. https://e-tarix.uz/shaxslar/726-maqola.html

9. Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. –Т., 2000. 32. www.wikipedia.org 33

10. https://arboblar.uz/uzkr/people/al

11.https://sputniknews-uz.com/20190214/zahiriddin-muhammad-bobur-hayoti va-ijodi 22279234.html

12.Жамил Юсуф “Бобурдан Зафаргача” 3-нашр. – Исломобод, 1989.

13.Муҳаммад Собир “Ўзбек тили ва адабиёти” . – Карачи.:“Маҳе нау” журнали, апрел, 1966.